**6.Томонларнинг мулкий жавобгарлиги**

6.1.Шатрнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармаганликлари учун томонлар Ўзбекистон республикасининг "Хўжалик юритувчи субъетлар фаолиятининг шартномавий –хуқуқий базаси тўғрисида" ги қонуни талабалари доирасида мулкий жавобгардирлар

6.2. "Таъминотчи " жавобгарлиги:

6.2.1. "Таъминотчи" нинг айби билан товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилса "Таъминотчи" томонидан кечиктирилган хар бир кун мажбурият бажарилмаган қсмининг 0.5 % миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

6.3. "Харидор" нинг жавобгарлиги:

6.3.1. "Харидор" нинг айби билан етказиб берилган товарлар хаққини ўз вақтида тўламаса, "Харидор" томонидан кечиктирилган хар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0.4% фоиз миқдорида , аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда пеня тўлайди.

6.4.Шартноманинг 2- бандига асосан "Таъминотчи" томонидан сотилган махсулот сифатсизлиги тегишли хужжатлар билан 3 кун ичида тасдиқланса, у холда "Таъминотчи" сифатсиз махсулотни сифатли махсулот билан алмаштириб беради ва бу билан боғлиқ барча харажатларни ўз зиммасига олади.

6.5."Таъминотчи" нинг хисоб варақасида махсулот солинган қутилар (тара) ни қайтарилиши қайд этилган бўлса, қутилар 15 кун ичида қайтарилиши шарт.

6.6. Томонлар ўзларига юклатилган мажбуриятлардан ўзларига боғлиқ бўлмаган қуйидаги форс мажор холатларида қисман ёки тўлиқ озод этиладилар: ёнғин, табиий офатлар, харбий харакатлар, блокадалар, импорт ва экспорт қилишга тақиқлар.

**7. Низоларни хал этиш**

7.1. Шартнома мажбуриятларидан келиб чиқадиган барча низолар, томонлар ўртасида ўзаро келишилган холда хал этилади. Низолар пайдо бўлганада томонлар ёзма равишда огохлантириш хати берадилар. Огохлантириш хатига жавоб бериш муддати 10 кун .

7.2. Хал этилмаган низолар Иктисодий судида кўриб чиқилади. Иктисодий судини қарори хал этувчи хужжат хисобланади.

**8. Форс-мажор.**

8. 1. Томонларга боғлиқ бўлмаган холатлар "Ёнгин, сув тошқини шу каби бошқа холатларида хамда Ўзбекистон Республикаси да Президентининг фармонлари ва Вазирлар Махкамасининг қарорлари ", агар тегишли хужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарлигидан озод этилади.

8.2.Юқоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

**9.Шартнома умддати**

9.1. Шартнома имзоланган кундан ва тегишли худудий ғазначилик бўлимида рўйхатга олингандан 31-декабр 20 22 йилгача амал қилади.

**10 Умумий холатлар**

10.1. "Харидор" "Таъминотчи" га хар ойнинг 5 санасига шу ойда зарур бўладиган дез моддаларнинг буюртма рўйхатини тақдим этади, бунда товарнинг номи, миқдори, кўрсатилиши шарт, "Харидор"га "Таъминотчи" томонидан прайс листлар тақдим этилади, прайст листга асосан "Харидор" нархларига алохида эътибор берган холда, танлов варақасига асосланиб бир ойлик эхтиёж учун зарур бўлган дез –моддаларни сотиб олади.

10.2. Шартномага киритилиши лозим бўлган барча ўзгартириш ва қўшимчалар фақат ёзма тартибда амалга оширилади ва томонлар имзолаб, мухирлагандан сўнг асосий шартноманинг ажралмас қисми хисобланади.

10.3.Ушбу шартномага оид, лекин шартномага киритилмасдан қолган барча холатлар Ўзбекистон Репсубликисининг амалдаги қонунлари асосида хал этилади.

**Томонларнинг юридик манзиллари ва реквизитлари**

| "Таъминотчи" «PROFARMA MEDICAL» МЧЖ | "Харидор" |
|---|---|
| Манзил: Андижон шахар Уйгуробод 31-уй<br>Тел: +99895 204 66 55<br>х/р: 20208000100907472001<br>Банк номи: ЧЕКИ «Хамкорбанк» Амалиёт ф-ли<br>МФО 00083 СТИР: 305688896<br>ОКЕД: 21200<br><br>Рахбар ________ С.Туйчиев | Манзил:<br>х/р<br><br>МФО ________ ИНН<br>ОКЕД ________<br><br>Рахбар: ________ М.А. Махмудалиев |

Юрист: ________ Ибрагимов О.Т.

RESPUBLIKA IXTISOSLASHTIRILGAN UROLOGIYA ILMIY-AMALIY TIBBIYOT MARKAZI FARG'ONA FILIALI FARG'ONA SHAHAR QADRIYAT K/SI 79-UY TEL/FAKS:404-75-10 STIR:202832028 OKONX: 91511 MOLIYA VAZIRLIGI G'AZNACHILIK BOSHQARMASI MARKAZIY BANK XKKM, TOSHKENT SH. MFO:00014 STIR:201122919

PROFARMA MEDICAL SHARTNOMA VA XISOB FAKTURALAR UCHUN